

Шавкат МАВЛОНОВ,
ЎзХИА ўқитувчиси

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бугунги кунда дунёнинг инсон ҳаётига хавф солувчи ҳодисаларидан бўлган ва тобора шафқатсиз тус олаётган чеки йўк урушлар ва зиддиятлар, «XXI аср вабоси» деб ном олган террорчилик, жамиятда турли хил «фобия»ларнинг кенг тарқалиши, ҳар бир индивидуал онгнинг зарарли стереотипларга мойиллиги жамият ва инсон ҳаётида миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг мазмунини чуқурроқ тушунишга имконият яратди. Бугунги кунда миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ҳаётга кириб боришига шунчаки оддий бир ҳодиса эмас, балки бутун инсониятнинг янги асрда тирик қолиши шарти сифатида қаралмоқда.

XXI асрда ҳар бир давлат ўзининг маънавий хавфсизлик концепциясига эга бўлишга интилмоқда. Чунки бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар давлатлар тақдирига у ёки бу даражада таъсир этмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар қачонгидан ҳам бугун маънавий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти устувор ўринни эгалламоқда. Шунинг учун ҳам маънавий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий методологиясини ишлаб чиқиш ҳам энг муҳим долзарб масаладир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсати узоқ ўтмиш тарихи, манбасига ҳам эга.

Хавфсизлик, бизга маълумки, таҳдид-стратегия-хавфсизлик формуласи бўйича кўриб чиқилади. Ҳар қандай миллий хавфсизлик тизимини яратиш ва мустаҳкамлаш у ёки бу таҳдидни ва потенциал душманни қандай қабул қилишга асосланиб қурилади. Душман эса кўпгина ҳолатларда бир ёки бир нечта қўшни давлатлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бир томоннинг ҳатто мудофаа мақсадида ҳарбий потенциалини кучайтириши, умуман, хавфсизлик тизимини ривожлантириши бир вақтнинг ўзида қўшни давлат томонидан унинг хавфсизлигига таҳдид деб қабул қилинади. Ўз навбатида, бу қўшни давлат ўз хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга ва ҳарбий потенциалини ўстиришга ҳаракат қилади. Натижада биз ҳатто ўзаро душман ҳисобланмаган қўшни давлатларнинг рақобатига дуч келишимиз мумкин. Бу ҳолатда “хавфсизлик дилеммаси” вужудга келади: А нинг ўз ҳарбий қудратини ошириши В нинг жавоб ҳаракатларига олиб келади, бу эса А нинг ўз қудратини энди В нинг ҳаракатларига жавобан ўстиришни давом эттиришини билдиради. Бундан кўриниб турибдики, хавфсизлик дилеммаси давлатларнинг ўзаро ишончсизлигига, қуролланиш пойгасига ва турли, шу қаторда, юқори даражали рискка эга ҳарбий стратегик ва геосиёсий комбинацияларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги даврда дунёнинг ривожланган давлатлари манфаатлари бошқараётганлигини инкор этиб бўлмайди. Бунда ғарб давлатлари асосий ўринни эгаллайди. Рус олими В.Иноземцов бу ҳақда тўхталиб, қуйидагиларни ёзган эди: “Глобаллашув, аслини олганда, кўкларга кўтариб мақталаётган умуминсоний қадриятларга таянувчи ягона тамаддуннинг шаклланиш жараёни эмас, балки мутлақо ўзга ҳолатни – жамиятнинг “ғарбона” моделининг экспанциясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди. Бугун глобаллашув деб аташаётган жараённи ғарблаштириш деб аниқроқ ифода этиш мумкин”¹.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ривожланган ғарб давлатларидаги илм-фан ютуқларини ўрганиш, замонавий технологияларини ўзлаштириш ҳар қандай ривожланаётган давлат учун зарур. Аммо модернизациялаш йўлида ғарб маданияти ва қадриятларини ҳам тўлиқлигича ўзлаштиришга ҳаракат қилган мамлакатлар миллий маданиятни юксалтириш борасида қатор муаммоларга дуч келиши, шубҳасиз. Бугунги кунда қадимий тарихга эга бўлган мамлакатлар маданий ўзига хосликни сақлаган ҳолда, давлат ва жамиятни модернизациялаш йўлини танламоқда. Хусусан, япон ислохотчилари бундан қарийб бир аср аввал, “япон руҳияти, ғарб технологияси” деган қоида асосида ўз йўлини белгилаб олган эди. Шу боис Япония миллий ўзлигини, тарихий-маданий илдизларини йўқотмасдан, юксак тараққий этган давлатга айланди. Бундай ҳолатни “глобал фикрла, локал ҳаракат қил” тамойилига суяниб иш тутган Жануби-Шарқий Осиёдаги Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея каби бошқа мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин. Улар маънавий жиҳатдан ғарблашмай туриб тараққиётга эришди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада қатъий йўл тутилмоқда.

Америкалик таниқли сиёсатчи Г.Киссенжер 1999 йил 12 октябрда Ирландиянинг Дублин шаҳридаги Тринити коллежида ўқиган маърузасида шундай деган эди: “Одатда глобаллашув деб аталадиган ҳодиса, аслини олганда, Қўшма Штатларининг ҳукмронлик ролининг шунчаки бошқача номланишидир”². Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳакамликни

даъво қилаётган АҚШ дунёга эгалик қилишнинг энг нозик ва шу билан бирга энг кучли воситасини ҳам ишга солмоқда. Бу – маданият соҳасидаги гегемонликка интилиш. Шу сабабли у турли миллат, давлатларни маданий, маънавий асосларидан маҳрум этиш, глобал миқёсда манкуртлик касалини ёйишга интиломоқда. “Ватанни севиш учун унга ундайдиган нимадир бўлиши керак”³, дейди Э.Берк. Ўзини, ўзлигини англамаган, маданиятдан, тарихидан маҳрум этилган манкуртда, табиийки, ватан туйғуси ҳам бўлмайди. Дарҳақиқат, шу каби глобал таҳдидлар туфайли бугун инсоният нотинч ва таҳликали ҳолатда яшамоқда.

Шунинг учун ҳам “Биз тарихий кризисни бошдан кечирмоқдамиз, – деб ёзади С.И.Дудник ва Я.А.Слинин. – Инсониятга қадриятлар уфқини кенгайтирадиган ва территориал экспансия ғоялари ҳукмронлик қилган тарих энди барҳам топди: зеро, бу борада барча имкониятлар ишлатиб бўлинди ва яшаш майдонлари тегишлича эгаллаб бўлинди. Уларнинг ўрнига ҳозирги давр глобал муаммолари, кучларнинг виртуал балансини сақлаш ва билим/технологияларни ўстириш муаммолари келди. Ваҳоланки, Америка истеблишменти-га⁴ хос бўлган бундай кайфиятни “олтин миллиард” оstonасидан ташқаридагилар қабул қила олмасалар керак...”⁵

Ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш, мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш, ҳарбийлаштириш, антиглобализм, фашизм, айирмачилик, миллатчилик, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро террорчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси, ахборот хуружи каби турли кўринишлардаги маънавий таҳдидлар кўпчилик инсонларни жиддий ташвишга солмоқда.

“Товарлар” орасида бутун бошли бир миллат хавфсизлигига тажовуз қиладиган, халқни ўзидан мосуво этишга қаратилган, мафкуравий жиҳатдан ғаразли ғоялар билан суғорилган ахборотлар ҳам талайгина. Бизнинг асримизда

³ Берк Э. Ғарбнинг ҳалокати. // Жаҳон адабиёти. –2007. –№1. –Б.14.

⁴ Истеблишмент – Ҳокимият тепасида ҳукмронлик қилиб турган гуруҳ (элита).

⁵ Дудник С.И., Я.А.Слинин. История и историческое сознание// Я. (А.Слинин) и МБ: к 70-летию профессора Ярослава Анатольевича Слинина. - СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2002. Серия «Мыслители». Выпуск X. 39-б.

¹ Иноземцев В. Вестернизация как глобализация и “глобализация” как американизация // Вопросы философии. –2004. –№4. –С.60.

² Ўша жойда. –С.61.

энди ривожланаётган давлатларга нисбатан ахборот хуружларини уюштиришда ҳам инфор- мацион товарлар асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабдан халқаро муносабатлар тизимида ҳар бир давлат ўз миллий хавфсизли- гини таъминлаш учун иқтисодий-сиёсий, ҳар- бий соҳаларни мустаҳкамлашга қаратмоқда, лекин ахборот хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айлантириш сиёсати сустроқ кетиши кузатил- моқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиё- сатига барча давлатлар ҳам жиддий эътибор бериши зарур. Россия Федерациясида Ахборот хавфсизлик Доктринаси қабул қилинган бў- либ, бунга кўра, давлат фуқароларининг кон- ституцион ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият манфаатларини ахборот технологияларидан химоя қилишга қаратади⁶. Бу ўз навбатида Рос- сия Федерациясининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сиёсатидир. Шу боис Россия ҳарбий экспертлари, сиёсатшунослари ҳамда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги му- тахассислар ахборот қуролларини қисқарти- риш ва уларни классификациялаш муаммоси тўғрисида бугунги кунгача баҳслашмоқда⁷. Шу сабабдан жаҳон сиёсатидаги ривожланган давлатлар билан бир қаторда нодавлат-ноти- жорат ташкилотлар фаолиятида ахборотга эгалик қилиш стратегик мақсадларга айланиб бормоқда. Бундан асосий мақсад эса, ўз мил- лий манфаати йўлида фойдаланиш воситаси тушунилади. Бу ўз навбатида инсонлар онгига нисбатан қаратилган “ахборот хуружи”ни кел- тириб чиқаради. Бу ҳақида АҚШнинг ахборот хавфсизлиги соҳаси мутахассисларидан бири Уинн Швартоу қуйидагича ўз фикрини билди- ради: “Замонавий жамият ахборотга асослани- ши сабабли, эртаги ёки кечми, ҳар ким инфор- мацион хуружнинг қурбонига айланади”⁸, деб таъкидлаб ўтади. Шундан ҳам кўриш мумкин- ки, давлатлар ташқи ва ички сиёсатида ахбо- рот хавфсизлигини таъминлаш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Бугунги кунда маънавий таҳдидларнинг халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўз-

гартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалиб бормоқда. Булардан қўзланган мақ- сад табиийки, айрим қора кучлар томонидан бошқа бир давлатнинг конституциявий ту- зумига тажовуз қилиш, у ерда ҳукм сураёт- ган тинчлик ва осойишталикни, жамиятдаги бунёдкорлик муҳитини, барпо этилаётган фа- ровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга қираётган давлатни ағдариш, тўғри йўлдан оғ- диришдир. Бунинг олдини олиш учун қатъий чоралар кўриш, ушбу иллатларнинг таг-томи- ри билан йўқотиш зарур.

Дарҳақиқат, И.Каримовнинг “Хавфсиз- лик, барқарорлик ва танлаган йўлдан оғиш- маслик деган ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни билиб ол- моғимиз ва англаб етмоғимиз зарур. Хавфдан қандай ҳоли бўлиш мумкин? Ривожланиш учун куч-мададни қаердан излаш лозим? Бу- лар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало, ана шу муаммо- ларга эътибор бериб келган ва бундан буён ҳам эътибор беражак”⁹, – деган фикрлари бу стратегик вазифанинг қанчалик долзарб экан- лигини исботлаб беради. Шунинг баробарида Ўзбекистон ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, ўз хавфсизлиги ва барқарор- лигини таъминлашнинг ўзига хос шаклини ишлаб чиқди.

Миллий маънавий хавфсизликни таъмин- лашнинг аҳоли ўртасида олиб бориладиган ўзига хос ташкилий тузилмага эга ижтимо- ий-сиёсий ишларни ташкил этиш билан чам- барчас боғлиқ. Бир томондан, бу фаолиятга тегишли ички ва ташқи ўзаро алоқаларга, ўзи- нинг мақсадли аудиториясига, ижрочи шахс- лари, бошқа ўзига хос жиҳатларига эга иш, маънавий хавфсизликни таъминлаш фуқаро- ларнинг ўзига хос фаоллигининг кўриниши сифатида қараш мумкин. Бошқа томондан, маънавий хавфсизликни таъминлашнинг маз- кур соҳасига мос муносабатни, аниқ мақсад- га қаратилган ҳаракатларни, бунинг учун, шу жумладан аниқ восита ва ресурслардан фой- даланишни тақозо этувчи муайян муаммолар йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу каби ёндашувда маънавий хавфсизликни таъминлаш институтларининг сиёсий усул ва тартиботлари кетма-кетлиги, жамоатчилик

⁶ <http://www.rg.ru/official/doc/min-and.vedom/min-bezop/doctr.s.htm>.

⁷ Фёдоров К. О Международной информационной безопасности//Международная жизнь 2000 №2.

⁸ Schwartau W. An Introduction to Information Warfare//War in the Information Age.New Chall.enges for U.S.Securitu Policy – Washington – London/1997.

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракки- ёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.3.

фикрига ижобий имиджини шакллантиришга таъсир қилувчи бошқа жараёнлар ва ҳаракатлар сифатида намоён бўлади. Шу орқали ижтимоий-сиёсий ишнинг аниқ вазифаларини ҳал қилиш тегишли мақсадларга эришиш воситаларини тушуниши, балки шу воситаларни амалиётда рўёбга чиқаришнинг аниқ усуллари ишлаб чиқишни аниқлатади. Шу нуқтаи назардан тегишли вазифаларни ҳал қилишнинг маълум технологияларини қўллаш ҳақида сўз юритиш ўринлидир.

Технологияларга мурожаат қилиш миллий маънавий хавфсизликни таъминлашдаги сиёсий ҳодиса ва вазиятларни баҳолаш муаммоларига янгича қарашни тақозо этади. Уларни қўллаш эса миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш институтларининг жамоатчилик билан алоқалар, шу жумладан PR ва MR (“public relations” ва “media relations”) технологияларини қўллаш соҳасидаги фаолиятининг махсус йўналишига айланмоқда. Баён этилганларни мухтасар қилиб айтганда, у ёки бу сиёсий технологияларни миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш институтлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қўллаш маълум даврга энг мақбул ва самарали йўл билан эришишга қаратилган фаолиятнинг намунали тартиботлари, шакл ва усуллари изчил қўллашдан иборат.

Шу тарзда, маълум натижаларга эришиш учун такрорланадиган, қолипли ҳаракатлар қерда бажарилса, ўша ерда сиёсий технологиялардан фойдаланишга эҳтиёж пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш вазифаларини «технологик» равишда ҳал қилиш (имидж ва PRга доир кампания ва акциялар ўтказиш, аҳолини аниқлаш, ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтириш ва ҳ.к.):

1. У ёки бу маънавий хавфсизликни таъминлаш сиёсати муайян тадбир ёки тадбирлар мажмуасининг аниқ, ўлчанадиган мақсади мавжудлиги (бу шароитларни белгилаш ва текшириш имконини беради).

2. Бу ишни оддий, маълум даражада қолипли ҳаракатлар (одатда, махсус тайёргарликка эга бўлмаган маънавият фаоллари учун тушунарли) кетма-кетлиги сифатида бажариш имконияти.

Сиёсий технологияни миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида турган

вазифаларни ҳал қилишнинг “классик” йўли ўрнига қўллаш аксарият ҳолларда қуйидаги афзалликларга эга бўлиш имконини беради:

- миллий маънавиятни юксалтиришда белгиланган мақсадга эришишнинг барча йўлларида энг оқилона, оддий ва самарали усулини танлаш;

- миллий маънавиятни юксалтиришда кутилаётган натижаларнинг аниқ-лўнда белгиланиши ҳамда уларга эришиш эҳтимолининг нисбатан юқори бўлиши ва назорат қилинишини таъминлаш;

- миллий маънавиятни юксалтиришда вазифани ҳал қилишга кадр ресурслари ва моддий-техник воситаларини жалб қилишнинг энг тежамкор усулларида фойдаланиш;

- миллий маънавиятни юксалтиришда сиёсий технологияларни амалга ошириш жараёни иштирокчиларида такрорланувчи шароит ва вазиятларда белгиланган вазифаларни бажаришнинг мустаҳкам кўникма ва методикаларини шакллантириш.

Миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳариталар яратиш ҳам бугунги куннинг маънавиятга даҳлдор сиёсий технологиялардан ҳисобланади. Чунки айтиш мумкин, шу ҳариталар орқали маънавий ва мафкуравий тарғибот объектларини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳудудий мажмуаларини шартли белгилар орқали макон ва замонда жойланишининг кўргазмалари тасвирларини яратиш мумкин.

Хуллас, миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш объектларининг ниҳоятда хилма-хиллиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг макон ва замонда ўхшаш эмаслиги туфайли ижтимоий-сиёсий ҳариталар реал ҳақиқатнинг мазмуни ва шакли тўғри келадиган мураккаб модели ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий ҳариталарда хилма-хил маънавият соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, уларга хос динамикалик ва ҳаққоний миқдор ва сифат кўрсаткичларининг аксини топиши мумкин. Демак, ижтимоий-сиёсий ҳарита диққат билан танлаб олинган, мақсадли тизимлаштирилган, кўп қиррали маълумот манбаи ва унга хос таҳлилнинг муҳим инструменти. Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсий ҳарита бу реал ҳақиқатнинг, маънавият соҳасидаги ислохотларнинг замон ва макондаги ҳудудий ташкил этилганлигининг берилган масштабда кичрайтирилган образли-белгили моделидир.